2015 йил 31 июль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (12.969)

Баҳоси эркин нархда

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Мустақиллик · Independence · Независимость 24 O'ZBEKISTON

***Истиқлолнинг ҳар бир йилида юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, мамлакатимиз эришаётган оламшумул ютуқлар, тараққиёт ва фаровонлик борасидаги муваффақиятлар зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик қутлуғ санаси Мирзо Улуғбек туманида ҳам ўзига хос ютуқлар билан кутиб олинмоқда.***







## МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛЛИ ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШ САРИ

Қад ростлаётган муҳташам бинолар, кенг ва равон йўллар, замонавий спорт мажмуалари, ўқув муассасалари кўзни қувонтираётир. Ёшларнинг таълим-тарбияси, маънан ва жисмонан етуклиги, кексаларимизнинг саломатлиги йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Туман ҳудуди 31,9 минг гектар майдонни ташкил этади. Жами аҳоли сони 260168 нафардан иборат бўлиб турли миллат вакиллари аҳилликда истиқомат қилиб келмоқда.

Жорий йилда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Жумладан, саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати 105,0, истеъмол моллари 114,0, пудрат қурилиш ишлари 107,5, асосий капиталга инвестициялар киритиш режаси 112,0, чакана савдо айланмаси 111,0, пуллик хизматлар 111,0 фоизни ташкил қилди. 2015 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурий кўрсаткичлари ҳам 108,9 фоизга бажарилди.

Истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллик тўйига тўёна сифатида «Оққўрғон», «Баҳор», «Гулистон» маҳаллаларида болалар майдончалари барпо этилди.

2015 йилнинг инвестиция дастурига мувофиқ тумандаги «Алпомиш» маҳалла гузари ҳамда 18-мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мактабдаги таъмирлаш ишларига 1 миллиард 650 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирда режа асосидаги ишлар 89 фоизга бажарилди.

Жумладан, 153-, 375-, 410-мактабгача таълим муассасаларида ҳам таъмирлаш ишлари қизғин кетмоқда. 71-умумтаълим мактабида спорт залининг бунёд этилиши янги ўқув йилига муносиб туҳфа бўлади.

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

## НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТИ

***Бир неча ўн йил аввал «нанотехнология» тушунчаси ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдик. Бугунги кунда ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кенг фойдаланаётган замонавий техника воситалари эса мўъжизадек туюларди.***

Нанотехнология ютуқлари электроника, биология, тиббиёт, энергетика, материалшунослик ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Улар цемент, кошин, металл қотишмалари, лок-бўёқ ва бошқа кўплаб материаллар ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилинган. Бироқ бундай кўрсаткичларга эришилаётганига қарамасдан, ғоят катта имкониятларга эга нанодунё ҳалигача тўла ўрганилгани йўқ.

Сўнгги ўн йилда нанотехнологиялар Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги, тиббиёти ва бошқа қатор соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти ҳам бу борадаги ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Институтда 2008 йилдан буён нанотузилмали материаллар синтези ва уларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Кейинги йилларда кумуш, углерод, мис, титан ва бошқа элементлар нанозаррачаларини синтез қилиш учун энергия талаб қилмайдиган технологиялар ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз корхоналари улардан иқтисодиётимизни ривожлантиришда изчил фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон аҳолиси нанотехнологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан кундалик ҳаётида фойдаланаётир. Масалан, институт олимлари томонидан ишлаб чиқилган технологиялар асосида синтезланган кумуш нанозаррачалари қатор гигиена воситаларига қўшилмоқда. Бу эса маҳсулотларнинг бактерицид ҳамда даволаш хусусиятини оширмоқда.

2014 йили Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқирилаётган кумуш нанозаррачалари эритмаси тери яллиғланиши касалликлари, хусусан, экзема, юқумли дерматит, микоз ва бошқа хасталикларда ёрдам беради. Айни пайтда мамлакатимиз тўқимачилик ва лок-бўёқ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга биоцид хусусият берадиган кумуш нанозаррачалари қўшиш зарурлиги ҳақида музокаралар олиб борилмоқда. Бу, айниқса, иссиқ иқлим шароитларида жуда ҳам муҳим. Ганновер университетидаги (Германия) ҳамкасбларимиз билан биргаликда ўтказилган ва нуфузли халқаро илмий журналларда чоп этилган кўплаб тадқиқотлар натижалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида синтезланган нанокомпозит материаллар концентрацияларидан фойдаланиш экологик хавфсиз ва мутлақо зарарсиз эканини яна бир бор исботлади.

Яқин келажакда сувни кимёвий тозалаш тизимларида ҳам кумуш нанозаррачаларидан фойдаланиш истиқболли йўналишлардан бирига айланиши мумкин. Мамлакатимизда иситиш тизимини модернизация қилиш бўйича ишлаб чиқилаётган дастур доирасида 2016 йилдан кўп қаватли уйларни иссиқлик билан таъминлашнинг ёпиқ тизимига босқичма-босқич ўтиш ва маҳаллий қозонлар қуриш режалаштирилган. Бунда ҳар бир қозонга сувнинг қайнаб кетишининг олдини олиш ва хизмат муддатини узайтириш учун сувни кимёвий тозалайдиган махсус тизимлар ўрнатиш талаб қилинади. Ушбу тизимлар нафақат автоматлаштирилган тартибда ишлаши, балки сув сифати ва маҳаллий иқлим шароитларига ҳам мослаштирилиши лозим.

(Давоми 2-бетда)

Мафтунингман, Ўзбекистон!

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ХАЛҚИНГИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУҚЛАРИДАНДИР

***Ўзбекистон ва унинг гўзал қадимий шаҳарлари бугун дунё сайёҳларини ўзига чорламоқда. Мамлакатимиздаги тарихий обидаларни, замонавий иншоотларни кўриш, халқимизнинг бетакрор маданияти ва анъаналари билан танишиш мақсадида юртимизга келган сайёҳларни кўплаб учратиш мумкин. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.***

**Ли Йон ХУН (Жанубий Корея):**

– Касбим тарихчи. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Эшитганларим билан бугунги кўрганларим ўртасида улкан фарқ бор. Бу ерга келиб Ўзбекистон тасаввуримдагидан анча гўзал, обод ва замонавий юрт эканига ишонч ҳосил қилдим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги мени ҳайратга солди. Мамлакатингизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди.

Саёҳатим давомида дунёга машҳур қадимий шаҳарлар – Самарқанд ва Бухорони кўриш истагидаман. Саёҳатимдан эсдалик сифатида Ўзбекистон миллий ҳунармандлик буюмларини харид қилдим.

**Кристобаль КАПАРРОС (Испания):**

– Ўзбекистонга илгари ҳам келганман, бу сафар уни таниёлмай қолдим. Бекиёс ўзгаришлар нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасида, балки аҳоли фаровонлиги ошиб, барча соҳалар изчил ривожланаётганида ҳам яққол кўзга ташланади. Бугун Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлари дунё сайёҳлари учун энг қулай ва мақбул шаҳарларга айланган. Бу ерларда музейлар ва галереялар, замонавий меҳмонхоналар, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторан ва қаҳвахоналар ҳамда бошқа кўплаб дам олиш масканлари бор.

Ўзбекистон ишлаб чиқариш соҳасида катта имкониятларга эга мамлакат. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ўзлаштириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилаётгани бугун дунё жамоатчилигига яхши маълум. Бу мамлакатингизда изчиллик билан, узоқни кўзлаб олиб борилаётган иқтисодий сиёсат нақадар тўғрилигининг амалдаги тасдиғидир.

**Санжей АГАРВАЛ (Ҳиндистон):**

– Ўзбекистон кўчаларидаги автомобилларга қараб бу ерда автомобилсозлик юксак суръатларда тараққий этаётганига гувоҳ бўлдим.

Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Айниқса, маҳобатли иншоотлар ва муҳташам бинолар, замонавий ва миллий услубни ўзида мужассам этган меҳмонхоналар барчага манзур бўлади. Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилган. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик халқингизнинг энг катта ютуқларидандир.

**Бертилда ГЮНТЕР (Германия):**

– Ўзбекистондек гўзал мамлакатга келганимдан жуда бахтиёрман. Юртингизда барча жабҳаларда, жумладан, мода ва дизайн соҳасида катта ишлар амалга оширилаётганига, соҳа изчил равнақ топаётганига, ёш модельерлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганига гувоҳ бўлдим. Бинобарин, мамлакатингизда мода ва дизайн соҳасини ривожлантириш учун барча зарур омиллар – иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, ажойиб интеллектуал ғоялар мавжуд. Ўзим ҳам шу соҳада фаолият юритаётганим боис қаерга бормай ўша юртнинг хотин-қизлари кийган либосларга алоҳида эътибор қarатаман. Ўзбекистонда хотин-қизлар ғоят дид билан, ўзига хос услубда — миллий ва замонавий дизайнни уйғунлаштирган ҳолда кийинишига ҳавас қилдим.

Латофатли аёлларингизнинг юз-кўзида фаровон ҳаётидан мамнунлик, бахтиёрлик ҳисси мужассам. Бу Ўзбекистонда хотин-қизлар алоҳида эътибор ва ғамхўрлик оғушида эканидан, уларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи юқори, қадр-қиммати чексиз эканидан далолатдир.

**Абдулҳамид АББОС (БАА):**

– Мамлакатингизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралар ҳайратланарлидир. Айниқса, иқтисодий жабҳада ҳавас қилса арзигулик улкан ўзгаришлар рўй бериб, кенг имкониятлар яратилмоқдаки, бу омиллар хорижий тадбиркорларнинг ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда. Бу ерда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, муваффақиятли бизнес юритиш имконининг катта экани кўпчилик қатори мени ҳам бефарқ қолдирмади. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати бўйича бизнесни йўлга қўйишни ният қилдим.

Ўзбекистондаги маҳобатли иншоотлар, мақбараю масжидлар ва муқаддас қадамжоларнинг гўзаллиги ва аҳамиятини таърифлашга сўз ожиз. Айтиш жоизки, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломалар дунё илм-фанининг ривожига беназир ҳисса қўшган. Уларнинг муносиб авлодлари бўлмиш Ўзбекистон ёшлари ҳам улкан интеллектуал ва жисмоний салоҳияти билан оламшумул ютуқларни қўлга киритиб, дунёга донг таратмоқда. Аждодлари доно, авлодлари зукко юрт — обод ва озод Ўзбекистоннинг ҳар куни осуда, тинч ва хотиржам ўтаётгани, осмони мусаффо экани халқингизга Яратган томонидан инъом этилган олий неъматдир.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди**

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Термизда Президентимизнинг 2015 йил 27 июнда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда «Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВнинг самарадорлигини юксалтириш», «Маҳаллий ОАВ фаолияти: муаммо ва ечимлар» мавзуларида маърузалар тингланди.**

**• Нукус шаҳрида «Соғлом оила» шиори остида «Отам, онам ва мен – спортчи оила» анъанавий спорт ўйинларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида анъанавий тарзда ташкил этилаётган мазкур мусобақа аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга хизмат қилмоқда.**

**• Тошкент вилоятининг Зангиота туманида шахсий бизнесини бошлаш истагида бўлган коллеж битирувчилари билан амалий учрашув ташкил этилди. Вилоятдаги 122 касб-ҳунар коллежини 106 мутахассислик бўйича тамомлаган 37 мингдан зиёд йигит-қиз 2014-2015 ўқув йилида 15 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотда амалиёт ўтади.**

**• Қаршида маданият ва истироҳат боғларида жорий этилган янгича иш услубларини бошқа боғлар фаолиятига татбиқ этишга бағишланган тажриба алмашув семинари бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Велосипедни ортиш учун автомобилга мўлжалланган биринчи портатив юкхона — Trunkmonkey яратилди. Йиғилган ҳолатда автомобиль аксессуари кичик сумка каби кўринади ва автомобиль юкхонаси ёки велосипед ўтирғичи остига бемалол жойлашади. Trunkmonkey бир нечта маҳкамловчи камарларга эга бўлиб, улар ёрдамида портатив юкхонага велосипеднинг ўзини, юкхонани эса автомобилга маҳкамлаш мумкин.**

**• New Horizons қурилмаси ёрдамида олинган янги маълумотлар Плутон сайёраси атмосферасида толинлар — метан ва этан сингари оддий органик тўқималардан ташкил топган турли органик моддаларнинг қоришмалари борлигини тасдиқлади. Баъзи тадқиқотчилар мазкур қоришмаларни «ҳаётнинг кимёвий ибтидоси» деб атайди. New Horizons Плутон сатҳидаги босим Ердагига нисбатан 100 минг марта кичик эканлигини аниқлади. Шунингдек, олимларнинг зонд йўллаган ахборотга асосланиб тасдиқлашларича, Плутонда об-ҳаво шароитлари ўзгариб туради.**

**• Дания Европа Иттифоқи маъмурларидан янги автомобиль-темир йўл туннели қуришга рухсат олди. 19 километр узунликдаги янги туннель Болтиқ денгизи остидан ўтади ва Даниянинг Лолланд оролини Германиянинг Фемарн ороли билан боғлайди. Қурилиш 2016 йилда бошланиб, 2024 йили якунланиши, харажатлар эса 8,7 миллиард евро атрофида бўлиши режалаштирилган.**







# МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛЛИ ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШ САРИ












***Маҳаллалар қадимдан маънавият ва тарбия ўчоғи, меҳр-мурувват маскани ҳисобланган. Бугунги кунда ҳам маҳаллалар оилалар тинчлигини, хотиржамлигини таъминловчи миллий қадриятларимизни улуғловчи, хонадонлар мустаҳкамлигини ҳимояловчи ноёб фуқаролик жамиятидир.***

## ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

— Маҳалламизда урф-одатларимизни эъзозлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни барқарорлаштириш, юзага келган муаммоларни баҳамжиҳатлик билан ҳал этиш, мустақил ҳаёт остонасида турган ёшлар бандлигини таъминлаш, кўчаларимиз ва кўп қаватли уйлар атрофини ораста ва тоза сақлаш асосий вазифаларимиз сирасига киради, — дейди Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Назаров. – Катталар ҳурматда-ю, кичиклар иззатдалиги ва энг муҳими бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат туфайли маҳалламиз тинч ва фароғатли ҳаёт кечирмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хонадонлардаги ўзаро аҳиллик ва бирдамлик, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, тўй-ҳашам ва турли маросимларни ихчамлаштириш, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрнини таъминлаш буларнинг барча-барчаси маҳалла фаоллари зиммасидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Олти минг беш юз нафар аҳоли истиқомат қиладиган Алишер Навоий номидаги маҳаллада 42 та кўп қаватли уйлар ва 12 та кўчалар мавжуд. Ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, уларни турмушга тайёрлаш, турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш борасида режали ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳалла — нурли маскан. Унда инсонлар бир-бирига суяниб, таяниб аҳил-иноқ, ҳамқадам ва ҳамфикр бўлиб яшайди. Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва юксалиши маҳалладан бошланади. Зеро, маҳалла — обод, юрт ободдир.

**Ёшлар — келажагимиз**

## СПОРТ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ

***Ҳар қандай мамлакатнинг қудратини, келажагини белгилайдиган омилларнинг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган билимли, иқтидорли, изланувчан, маънавияти юксак, жисмонан соғлом, баркамол авлоддир.***

30-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган сузиш ҳавзасида бўлганимизда бунинг шоҳиди бўлдик.

— Мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ижодий интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш шўъбаси раҳбари Робия Мамбетова. – Мазкур мактабда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун самбо, кураш, бадиий гимнастика, дзюдо, футбол ва сув спорти тўгараклари ташкил қилинган. 500 нафардан ортиқ болалар турли спорт тўгаракларига мунтазам равишда қатнашади. Биргина сузиш ҳавзасига 7-15 ёшгача бўлган 240 нафар ёшлар жалб этилган.

Ушбу ўқув муассасасида спортнинг самбо тури бўйича жаҳон чемпиони, дзюдо бўйича жаҳон кубоги совриндори Одил Туленбибаев, самбо бўйича жаҳон чемпионлари Мақсад Тошмуродов ва Илҳом Юлдошевларнинг доимий равишда шуғулланишлари ёшлар учун ибрат мактаби бўлмоқда.

***Ишлаб чиқариш корхоналарида модернизациялаш, техник ва технологик жиҳозлаш ишларининг амалга оширилиши натижасида тайёрланаётган маҳсулот сифати ортиб, улар четдан келтирилаётган шу каби маҳсулотлар билан бемалол рақобатлашмоқда.***

**Иқтисодиёт**

## СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ОШИРИЛМОҚДА

«Uzkabel» қўшма корхонаси акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорларига эга бўлиб бормоқда. Қарийб 75 йиллик тарихга эга бўлган корхонада 1500 турдан иборат бўлган турли хил электр жиҳозлари ишлаб чиқарилади.

Корхонада саккиз юзга яқин малакали ходимлар фаолият олиб бормоқда. Ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми 126 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ярим йиллигида ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 132 млрд.дан ошди.

«Uzkabel» қўшма корхонаси акциядорлик жамиятида фаолият олиб бораётган ходимларнинг дам олишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, ишчи-ходимларнинг фарзандлари учун «Зилола» болалар оромгоҳи, ўзлари учун эса «Гулистон», «Садаф» дам олиш масканлари фаолият олиб бормоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда сифат жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Ҳа, сифат ва самарадорлик бор жойда ҳамиша эзгулик ва яхшилик инсонлар хизматига камарбаста бўлади. Чунки инсон энг яхши сифатларга ўз меҳнати, изланиши ва интилиши билангина эришади.

**Тиббиёт**

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

***Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар замирида инсон саломатлиги, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, шифохоналарни замонавий тиббий-техник ускуналар билан таъминлашдек улуғ мақсадлари мужассам.***

Тумандаги шаҳар 5-сонли клиник шифохонада бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори аҳоли соғлиғини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни ошириш борасида дастуруламал бўлмоқда, — дейди Тошкент шаҳар 5-сонли клиник шифохонаси бош шифокори Гулнора Кенжаева биз билан суҳбатда. — Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган ютуқлар дунё аҳли нигоҳида кенг эътироф этилмоқда. Айниқса соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар, тиббиёт соҳасида яратилаётган янгиликлар, қўлга киритилаётган ютуқлар замирида инсон саломатлигини муҳофазалаш, даволаш ва турли касалликларнинг олдини олишдек муҳим вазифалар мужассам. Бизнинг вазифамиз эса эл саломатлигини яхшилаш йўлида сифатли, самарали ва тез хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Шифохонага қилган сафаримиз давомида беморларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишар эканмиз инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун ва долзарб эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Бинобарин, эл саломатлиги йўлида олиб борилаётган ҳар қандай иш энг долзарб ва энг мақбул иш саналади.

***Президентимизнинг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори замонавий бозорлар барпо этиш, мавжудларининг фаолиятини такомиллаштириш, сотувчи ва харидорларга қулай шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда.***

## БОЗОРЛАРИМИЗДА БАРАКА БЎЛСИН

— Соғлом рақобатни ривожлантириш орқали аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз ва арзон нархларда етказиб бериш мақсадида «Назорат маркази» фаолияти янада масъулият билан иш олиб бормоқда, — дейди «Наврўз деҳқон бозори» АЖ директори Улуғбек Ҳукумов. — Корхона шохобчалари тўлов терминаллари билан тўла таъминланганı боис савдо ҳажми ортмоқда. Фуқароларни арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Дарҳақиқат, бозорда истеъмолчиларга мақбул нарх-навони шакллантириб, тўлов терминаллари ва назорат-касса машиналари билан таъминлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Харидорларга етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини доимий назорат қилувчи замонавий лабораториялар фаолияти йўлга қўйилган. Бозорга киритилаётган барча маҳсулотлар қатъий лаборатория текширувидан ўтказилмоқда.

Биргина «Ширин» шохобчаси ҳудудида 592 та раста мавжуд бўлиб, шундан 186 та савдо ўрни Фарғона ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай ва Бўстонлиқ туманларидан келган фермер хўжаликларига ажратиб берилган. 11 та паррандачилик фермерлари томонидан арзонлаштирилган тухум маҳсулотлари 270 сўмдан, Хоразм вилоятидан келтирилаётган гўшт маҳсулотлари йигирма минг сўмдан сотилмоқда. Фарғона вилояти фермерлари томонидан келтирилаётган сабзавот маҳсулотларининг арзон нархларда сотилиши доимий назорат остига қўйилган.

Ҳа, бозорлар юрт ободлиги, дастурхон тўкинлиги, халқ фаровонлиги кўзгусидир. Зеро, инсон манфаатлари йўлида хизмат кўрсатадиган бу муассасаларда ҳалоллик, тўғрилик, тозалик ва сифат биринчи ўринда бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

**Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

## НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Институтимизда соатига 5 минг литр сувни юмшатиш қувватига эга шундай тизимнинг намунаси ишлаб чиқилди ва у қозонхонага етказиб берилаётган сувдан кальций ва магний ионларини тозалайди. Ушбу тизим кумуш нанозаррачалари ёрдамида ишлов берилган махсус сорбентлар тўлдирилган металл колонналардан, шунингдек, эритмани қайта тиклаш учун махсус идишдан иборат. Кумуш нанозаррачаларидан фойдаланиш сувни тозалайдиган сорбентлар юзасида бактерия ва биоплёнкалар кўпайишининг олдини олиш имконини беради ва шу тариқа уларнинг хизмат муддатини сезиларли даражада узайтиради. Таъкидлаш жоизки, сувни кимёвий тозалайдиган бундай тизим нархи чет элда ишлаб чиқарилган тизимга қараганда икки баробар паст.

2015 йилнинг кузида бундай тизимларни оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тайёрланган илмий лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган инновацион лойиҳалар танловида тақдим этилади. Лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши 2017 йилдан бошлаб кичик қозонхоналарда юртимизда ишлаб чиқилган сувни кимёвий тозалаш тизимларини жорий этиш ва ўрнатиш имконини беради.

Бундан ташқари, углерод нанозаррачалари асосида ишлаб чиқилган нанокомпозит материалларни қўллаш мумкин. Мисол учун, улардан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уйларда ўрнатилаётган сувни зарарсизлантириш тизимларида фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган мазкур тизимлар соатига 4 куб метр сувни зарарсизлантириш қувватига эга бўлиб, 60 Вт электр энергияси сарфлайди. Ультрабинафша нурланиш асосида анъанавий қўлланиб келинаётган тизимлардан фарқли равишда нанотехнологиялардан фойдаланиш қаттиқлик ва минераллашув даражаси юқори бўлган сувни қайта ишлашда хавфсиз ва барқарор зарарсизлантириш имконини беради. Бундай хомашё ва материаллардан фойдаланиш самарасида уларнинг нархи чет элда ишлаб чиқилган шундай маҳсулотлардан қарийб уч баробар арзон бўлади. Сувни зарарсизлантириш бўйича тайёрланаётган тизимлар самарадорлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан ўтказилаётган синовларда тасдиқланди.

Жорий йилдан институтимизда «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда нефть-газ соҳаси учун долзарб бўлган илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Яъни, мис нанозаррачаларидан фойдаланган ҳолда табиий газни тозалайдиган янги технология ва тажриба қурилмаси ишлаб чиқилмоқда. Газ таркибида олтингугурт водородининг борлиги унинг сифати ва жаҳон бозоридаги нархини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан биридир. Ушбу модда қувурлар, назорат асбоблари ва бошқарув механизмлари фаолиятига зарарли таъсир кўрсатади. Айни пайтда мамлакатимизда газни олтингугурт водородидан тозалаш учун асосан чет элдан олиб келинадиган қимматбаҳо ускуна ва кимёвий моддалар талаб қиладиган услублардан фойдаланилмоқда. Газни олтингугуртдан тозалаш учун импорт ўрнини босадиган янги адсорбентлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мис нанозаррачаларидан фойдаланиш маҳсулот таннархини камайтириш ва адсорбация хусусиятларини яхшилашни таъминлайди.

Нанокомпозит материаллар анъанавий ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида тақдим этилмоқда. Бу турли ташкилотлар билан лицензияланган шартнома ва битимлар тузиш имконини бераётир. Зеро, фаолиятимизнинг амалий натижаларидан ишлаб чиқувчилар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам манфаатдордир.

**Р.ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти катта илмий ходими.**
**ЎзА**

## ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

***Тошкент шаҳрини 2015-2030 йиллар давомида ривожлантириш режасига мувофиқ, айни пайтда пойтахтимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда.***

Жумладан, транспорт оқими ва йўловчиларга хизмат кўрсатувчи жамоат транспорти, қолаверса барча турдаги автотранспорт воситалари ҳаракатига ҳар томонлама қулайликлар яратилиб келинмоқда.

Шу кунларда Юзработ, Феруза, Мирзо Улуғбек ва Тараққиёт кўчаларидаги қатнов йўлини кенгайтириш ишларига ҳозирлик кўрилаётганлиги ҳам фикримизга яққол далилдир.

Маълумки, шаҳарнинг Мирзо Улуғбек, Феруза ва Юзработ кўчалари — Тошкент шаҳрини Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ва Бўстонлиқ тумани билан боғловчи асосий кўчалари ҳисобланади.

Қибрай, Чирчиқ, Бўстонлиқ, Чорвоқ, Оқтош ва Ғазалкентга борадиган транспорт воситалари фойдаланадиган бу йўлларни кенгайтириш, атрофидаги уйларни замонавий қиёфага келтириш шу куннинг талабларидан ҳисобланади. Қолаверса, ушбу йўллар орқали ҳар куни минглаб одамлар шаҳарга ишлаш учун келади ва ишдан кейин уйига қайтади. Баҳор ва ёз мавсумида тошкентликлар тоққа, дам олиш масканларига тез-тез чиқиб туришади. Йўлнинг торлиги одамларга, машиналар қатновига катта қийинчиликлар туғдирмоқда.

Шу сабабли, мазкур кўчаларни кенгайтириш мақсадида тегишли таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Тракторсозлар даҳасидан 2-Тиббиёт академиясига бўлган 10 км. трамвай йўналиши норентабеллиги сабабли ёпилиб, Юзработ, Феруза, Мирзо Улуғбек ва Тараққиёт кўчаларининг қатнов қисми 10 метрга кенгайтирилади. Натижада шаҳарнинг марказ қисмига юрувчи автомобиллар оқимининг ҳаракати учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Шу муносабат билан ушбу кўчаларда ҳаракатланадиган баъзи жамоат транспорт йўналишларига ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, «Тошшаҳартрансхизмат» акционерлик компанияси мутасадди вакилларининг оммавий ахборот воситалари ходимларига берган маълумотига кўра, «Қўйлиқ марказ — ТТЗ» манзили бўйича қатнайдиган 13-трамвай йўналиши ТТЗ бекатидан «Тошкент вокзали» бекатига қадар қисқартирилганлиги маълум қилинди. Шунингдек, мазкур трамвай йўналиши қисқариши муносабати билан «ТТЗ — Тошкент вокзали» йўналиши бўйича 14-сонли янги Mercedes-Benz автобуслари йўналиши ташкил қилинди.

Ушбу йўналишларда йўловчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун 17, 63, 83, 96, 110, 119 ва 129-автобуслар, шунингдек, 28, 75, 80, 137 ва 168-йўналишли таксилар сони кўпайтирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати**

***Юртимизда байрамлар кўп. Улар орасида Энг улуғи ва энг азизи шубҳасиз ҳурлик, мустақиллик, истиқлол айёмидир. Обод ва озод юртимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги шодиёналарига қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда қалбларда бу каби туйғулар яна бир бор ёрқин намоён бўлмоқда.***



# ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ



Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган байрам тадбири ҳам каттакичикка бирдек хурсандчилик улашди.

Байрам тадбирида сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, ҳур диёримизнинг кундан-кун яшариб-яшнаб бораётгани бу албатта, истиқлолимизнинг шарофати эканлигига тўхталиб, мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғлик буюк ва қадрли экани, эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, бекиёс имкониятлар билан ҳақли равишда фахрланишимизни таъкидлаб ўтдилар.

Тадбирда эл севган хонандалар ижросидаги мумтоз ва истиқлолни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, Чилонзор туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази қошидаги рақс гуруҳларининг чиқишлари, мазкур боғ қошида фаолият юритаётган «Улуғбек юлдузлари» ансамбли хонандаларининг дилбар наволари байрам тадбирига ўзгача файз бағишлади.

Айниқса Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова ижросида янграган «Азиз диёр», «Дугоҳ», «Қаро кўзлар», «Мустаҳзод», «Кўнгил» каби қўшиқлар барчага бирдай манзур бўлди.

— Истиқлол берган шундай нурафшон кунларга эришганимизнинг ўзи олий бахт. Мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одатларимиз тикланиб, қадр топди, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Баҳодир Султонов. — Маънавиятимиз, маданиятимиз янада юксалди. Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат, эътибор қозонди. Бу байрамлар мустақиллик инъом этган, фароғатли ва бахтиёр кунларимизнинг чин маънодаги маҳсулидир.



# БАЙРАМ ҚУВОНЧЛАРИ

***Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам ўзига хос тарзда байрамона кайфиятда нишонланди.***

Маданият ва дам олиш марказларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари, Ўзбекистон бадиий жамоалари бирлашмасининг «Навбаҳор» ва «Дуторчилар» ансамблининг дилтортар куй ва қўшиқлари, дилбар рақслари боғга ташриф буюрган дам олувчиларнинг олқишларига сазовор бўлди.

— Мустақилликдек буюк неъматни кўрсатганига, етказганига шукр, — дейди байрам иштирокчиси Гулчеҳра Каримова. — Шу азиз Ватанда азиз бўлган инсонларни, айниқса қарияларни, ёшларни қадрлаётган, юрт тинчлиги фаровонлиги учун қайғураётган Юртбошимизга раҳмат. Жаннатмакон диёримизга кўз тегмасин.

Дарҳақиқат, ҳамюртларимиз юракдан айтаётган самимий дил сўзларини тинглаб, замини зар, суви гавҳар, Ҳизр назари тушган, жаннатмакон бу юртда туғилганимизнинг ўзи бир бахт эканлигига қайта-қайта амин бўлиб бораверамиз. Мустақиллик байрами арафасида ўтказилаётган байрам тадбирлари барчанинг қалбига шодликлар завқини, истиқлол сururини янада сингдириб бормоқда. Зеро, мустақиллик энг азиз ва энг муқаддас байрамларимиздан биридир.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**

**СУРАТЛАРДА: байрам тадбирларидан лавҳалар**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

# ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИ

***Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 6 августдаги учинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган янги таҳрирдаги «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни республикамизда жамоавий инвестициялаш тизими яратилиши, аҳолининг вақтинча бўш турган пул маблағларини мобилизация қилиш ҳамда уларнинг миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилишини рағбатлантиришга қаратилган.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан янги таҳрирдаги Қонунда ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа давлатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилиги ва амалиётининг илғор жиҳатлари ўз аксини топганлиги қайд этилди.

* * *

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 6 августдаги учинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди.***

Умуман, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши соҳада мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизимини ҳамда спорт инфратузилмасини шакллантириш, илғор талаблар асосида юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шароитларни яратиш ҳамда янгича ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш, юртимиз истеъдодли ўғил-қизларининг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Йиғилишда янги таҳрирдаги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши соҳанинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди. Жумладан, унда замонавий спорт инфратузилмасини шакллантириш, юқори тоифали спортчилар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, спорт иншоотларини хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш каби муҳим жиҳатлар назарда тутилганлиги қайд этилди.

* * *

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, парламент юқори палатаси йиғилиши кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалалар маҳаллий кенгашлар томонидан соҳа мутахассислари, экспертлар, олимлар ҳамда амалиётчилар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 6 августдаги учинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 6 августдаги учинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди.***

Йиғилишда янги қонун лойиҳаси соҳа ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, профилактика тадбирларни ўтказишда санитария нормалари ва қоидаларини татбиқ этиш, гигиена қоидаларига риоя этишнинг барқарор тизимини яратиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш устидан давлат назоратини йўлга қўйиш билан бир қаторда ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш ва фуқароларнинг масъулиятини ошириш билан боғлиқ устувор вазифалар қамраб олинганлиги таъкидланди.

**Ёз — 2015**

# ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

***Пойтахтимиз мактаблари қошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ўғил-қизлар вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга янги ўқув йилига муносиб тайёргарлик кўришмоқда.***

Оромгоҳларда ташкил этилаётган турли маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар болажонларда катта таассурот қолдирмоқда. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган тадбирлар ва спорт мусобақаларининг ўрни катта.

«Камолот» ЁИҲ Сергели туман Кенгаши томонидан ҳам мазкур лойиҳа доирасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Тумандаги 300-, 104-, 2-мактаблар қошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказилган тадбирлар болажонларга хушкайфият улашди.

— Ҳозирги кунда ёшларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларнинг ҳар хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида туман ёшлари билан тизимли равишда барча йўналишларда кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши раиси в.в.б А.Аҳмедов. — Таъкидлаш жоизки, оромгоҳнинг 1-мавсумида автомодель, сеҳрли овоз, каштачилик, бадиий меҳнат, инглиз тили, стол тенниси ва бошқа тўгараклар фаолият юритди.

Мавсум давомида режа асосида энг яхши гуруҳ жойи, байроғи, деворий газетаси, асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танловлар, қувноқ стартлар, стол тенниси бўйича спорт мусобақалари ўтказилди. Мазкур танлов ва мусобақаларда ғолиб бўлган гуруҳ ҳамда болалар муносиб рағбатлантирилди.

Тадбир давомида 4-сон Маданият ва аҳоли дам олиш маркази хонандалари ҳамда Сардорлар Кенгашининг иқтидорли ёшлари томонидан бадиий чиқишлар намойиш этилди. Шунингдек, ташкилотчилар томонидан болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

***Мамлакатимизда ёш авлодни миллий қадриятларимиз, она Ватанга ҳурмат ва садоқатли қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама маънавий баркамол шахс бўлиб етишишларига катта эътибор қаратиб келинмоқда.***

# БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Шайхонтоҳур туманида жойлашган 59- ҳамда 324-умумтаълим мактаблари қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ҳамда Сардорлар Кенгаши аъзолари, «Камолот» фаоллари томонидан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» кунлари» тадбирлари ташкил этилди.

Унда «Сиз «Камалак»ни биласизми?» викторинаси, қувноқ стартлар, мевали шашка, қувноқ пуфакчалар каби турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилди. Лойиҳа доирасида 140 нафар болажонлар ўзларининг билим ва маҳоратларини, эпчил ва чаққонликларини намойиш этишди.

— Давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, улардан оқилона ва унумли фойдаланиш, ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий фахр туйғусини уйғотиш ҳамда маҳаллалардаги ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқаришда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс, — дейди «Камалак» болалар ташкилоти раиси Насиба Ваисова. — Ёз мавсумида ёшларни соғлом турмуш талаблари, Ватанга садоқат ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болалар орасида спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб қилиш, компьютер саводхонлиги, сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашларини шакллантириш, туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларини бепул ўқув курсларига жалб этиш ҳамда маънавий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида мактаблар қошида ташкил этилган барча оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончаларида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар юқори савияда ўтказилмоқда.

Тадбирларда фаол иштирок этган болажонлар туман Сардорлар Кенгаши томонидан совғалар билан тақдирландилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Хатолар менинг келажагимдир, деган экан донишмандлардан бири. Ҳақиқатан, хатоларни тузатиш орқали инсон келажагини қуради. Аммо доим ҳам шундай эмас. Орамизда қилмишларидан етарли хулосалар чиқармаганлар ҳам етарлича топилади.***

**Қилмиш — қидирмиш**

# ХАТОЛАРИНИ АНГЛАМАГАН АДАШАДИ

Иброҳимжон Усманов бир неча бор судланган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2008 йил 16 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан ЖКнинг 60-моддасига асосан 5 йил 6 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон туман судининг 2011 йил 10 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 8 ой 17 кун жазо муддати шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромадига ушлаб қолинган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

У осон йўл билан бойлик орттириш мақсадида, поччаси Абдуҳамид, вояга етмаган таниши Шомаҳмуд ва Абдурашид ҳамда Иброҳимжон билан олдиндан жиноий тил бириктириб, уюшган гуруҳ ташкил қилиб, жиноий шериклари билан вазифаларини олдиндан ўзаро тақсимлаб, ўзгалар мулкини талон-тарож қилишган.

Жумладан, судланувчи таниши 1993 йилда туғилган Шомаҳмудни вояга етмаганини била туриб, уни жиноят содир этишга ундаган, бошқа жиноий шериклари билан 2011 йил 8 май куни режа асосида «болгарка» ускунаси, ниқоблар, пичоқ, арқон, қўлқоп, монтировка, скотч ва кастетлар билан қуролланишиб, Сергели туманида жойлашган «ALIMAR» МЧЖнинг ишлаб чиқариш бинолари жойлашган ҳудудида сейфда сақланаётган деб фараз қилинган 50.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни босқинчилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида корхона қоровули Акмалга ҳужум қилишиб, унинг кексалигини билган ҳолда унинг тана аъзоларига, яъни бош, қорин, кўкрак соҳалари ва танасининг бошқа дуч келган жойларига зарб билан уриб-тепади. Кейин арқон билан боғлашиб, уни ожиз аҳволда қасддан ўлдиришиб, 20 минг сўм миқдоридаги пулларини чўнтакка уришади.

Суд тиббий текширув вақтида қоровул Акмалда бош мия ёпиқ жароҳати, мия қаттиқ пардаси остига, чап чакка юмшоқ тўқимасига қон қуйилишлари, чап кўз атрофи қонталаши, бошнинг тепа ва бўйин соҳаси шилинган ва қалқонсимон тоғайи ўнг шохининг синиши каби тан жароҳатлари аниқланиб, мазкур тан жароҳатлари турли ҳолатларда етказилган бўлишини инкор этиб бўлмаслиги ҳақида хулоса берилган.

Бундан ташқари судланувчи «ALIMAR» МЧЖ ҳудудидаги хоналарнинг бирида ухлаётган Анварни, Қайратни қасддан ўлдириш мақсадида унинг бош, юз, қорин, кўкрак соҳалари ва танасининг бошқа дуч келган жойларига тепишади. Аммо шовқин-суронни эшитиб келган Шуҳрат ва Ҳамиджон жиноятчиларнинг манфур ниятлари амалга ошишига тўсқинлик қилишган. Жиноятчилар уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари билан биргаликда воқеа жойидан қочиб яширинишган.

Лекин «бузоқнинг югургани сомонхонагача» деган нақл бежизга айтилмаган. Уларнинг қилмишлари тезкор тадбирлар натижасида фош этилди. Судланувчи Иброҳимга тегишли тартибда жазо тайинланди. Унинг гулдек умри энди панжара ортида ўтади.

Дарҳақиқат, унинг ортидан эргашганлар ҳам бугун панжара ортида. Агар у хатоларини бошида тушунганида эди, энг ширин кунларининг қадрига етар эди. Шундай экан, хатоларимиздан вақтида хулоса чиқарайлик!

**Ўткир ДАУЛЕНОВ,**
**Учтепа туман прокурори ўринбосари**

